

РҮЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Қонунчиллик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Жасон

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 52 (2316)

● 1991 ЙИЛ 9 МАЙ

● ПАЙШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЙИН

СЕРГАК ТУРИШИБДИ

Ҳодиса юз берган жойда



Бугун тоғ этагидаги кичкинагина Жигаристон кўргон ҳамманинг тилида. Бу ном айтилиши билан барчанинг дилини маъсумлик қамраб олади, шаҳид кетганлар руҳи олди-да бош эгилади, яқинларидан айрилганларга пичирлаб ҳамдардлик билдирилади. Қалин кўчки тагида ётган жажоқи болакайлар, мунис келинчаклар, полвонсифат йигитлар, мушфиқ оналар, меҳрибон оталар ёди қаттиқроқ гапиришинга йўл кўймайди, гўёки тилинг танг-

лайнингга ёпишиб қолгандай. Ўша машъум тонгда 300 минг кубометрга яқин тоғ массаси кўргон сари силжиб, 8 хонадон 15 метрдан 30 метрғача қалин тупроқ тагида қолди. Кўчки яна «учта уйга каттагина талофат етказди. Воқеа содир бўлиши билан бу ерга биринчилардан бўлиб Ангрен шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Абдураззоқ Алиев бошлиқ милиционерлар етиб келишиди.

— Фалокатдан ҳамма саросимага тушиб қолганди. Чунки рўй берган ҳодиса даҳшатли эди. Сурилган тупроқ ваҳимали кўринарди. Шу пайт кўчки рўй берган жойнинг шундоқ биқинида оқаётган сувга кўзимиз тушиб қолди,— дейди А. Алиев. — Агар унинг йўли тўсилмаса, иш янада қийинлашиб, хавфли вазият түғдириши мумкин эди. Шунинг учун милиционерларнинг ярми вайрон бўлган хонадорлардаги одамларни кутқаришга жўнатилди. Қолганлар эса ҳалиги сув йўлини бекитишига шошилиши. Бироздан бошқалар ҳам ёрдамга етиб келди. Сув йўли ўз вақтида тўсилди, хавфнинг олди олинди.

Шу куниёк Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи, милиция полковники Зокиржон Алматов бошлиғига штаб тузилди. 300 нафардан зиёд ички ишлар ходимлари қўргонга жўнатилди. Мана бир неча кечакундуздан бери бу йигитлар жигаристонниклар молмукини безиён сақлашда, уларнинг янги уларга кўчишига ёрдам бермоқда. Кўрилиш материаларини ташишга кўмаклашмоқда.

4 майдан бери бу ерда 14 пост-патрул хизмати машиналари ҳамда 20 нафар ДАН ходими транспорт қатновини назорат қилиб, ишнинг тезроқ ва сифатли бажарилишига ўзларининг хиссаларини кўшмоқдалар. Хавфли зона деб ҳисобланган 4 километрлик масофанинг ҳар уч метрида милиция ходимлари туну кун посбонликда турибидилар. Бу йигитларнинг мақсади тинчлини сақлаш билан бормоқдалар. Вақти келганда эса «милиция ҳеч қаерга қарамағапти» деб гап тарқатишади. Шу ҳолатда қандай қилиб кенг тарқалган гиёхандликка қарши курашиб бўлади?

Тўғри, аҳоли тинчлиги учун жавоб берувчи, ички ишлар ходимлари жиноят қилганларни аниқлаб, эртами-кечми уларнинг қўлига кишин солади. Кўпчилик бу ишда бир тан-бир жон бўлиб милицияга ёрдам берса, шубҳали ҳаракат қилаётган шахслар ҳақида ўз вақтида ички ишлар ходимларига хабар қилса, ҳар хил жиноятнинг кескин камайишига катта хисса қўшган бўларди. Бекорга «кўпдан кўён қочиб қутулмас» демайдилар-ку.

А. САТТОРОВ,
Бахмал тумани ИИБ бошлиғи милиция капитани Абдуззоқ Алиев; Чирчиқ шаҳар ИИБ патрул-пост хизмати рота командири милиция майори Федор Бенов; вайронагарчиларнидаги иш.

КЎПДАН ҚУЁН ҚОЧИБ ҚУТУЛМАС

Кейинги пайтда қонунбузарликнинг кўпайиб кетганлиги ҳақида рўй-рост айтилмоқда, кундалик матбуот саҳифаларида ташвишли мақолалар тез-тез кўзга ташланмоқда. Маълумотларга кўра, ўта хавфли бўлган — одам ўлдириш, босқинчлик, талончilik ва номусга тегиши каби жиноятларнинг анчагина қисми гиёхванд моддалар ҳамда спиртли ичимликлар истемол қилиб олган кимсалар томонидан содир этилмоқда. Бундай нопок бандаларни қўлга олиш учун махсус, кучайтирилган гурухлар ташкил қилинди. Афсуски, гиёхванд моддалар истемол қиливчилар сони камайиш ўрнiga кўпайиб кетмоқда. Хаттоти овлоқ қишлоқлар у ёқда турсин, балким одамлар гавжум бўлган катта-катта шаҳар қўчаларида куппа-кундуз куни ҳам наша чекиб юрӯвчилар сафи кенгайиб бормоқда. Энг ҳинарлиси шундаки, уларнинг орасида ёшёй норасидалар ва қиз-жуонлар ҳам учраб турибди. Тубанлик ботқоғига бунчалар ботишнинг сабаби нишада?

Яхшиси ҳозирча туманимиздаги аҳвол билан сизни танишитирар. Кейин сабабларга тўхталамиз.

Утган йили туманимиз ички ишлар бўйними ходимлари сезиларни ишларни амала оширилар. Кўплаб рейдлар ўтказдилар. Натижада туман ҳудудида яшовчи 50 га яқин фуқароларнинг томорқасидаги 4 минг 224 квадрат метр ердаги кўкнори пайкаллари аниқланиб, улар йўқ қилиб ташланди. Айборларга нисбатан жиноятни тегишили жазо берилди. Рейдлар натижасида 1,5 килограмм кўкнори ва 8 килограммдан ошик наша жиноятчилардан олинди. Бахмал ўрмон ҳўжалиги ҳудудидаги 9 минг 675 квадрат метр майдонга экилган ажал урги бўлган гиёхлар йигиштириб олиниб, ёқиб ўзорилди.

Наркотик моддалар сақловчи ва сотовчи шахсларни аниқлаши, уларга нисбатан тегишили чора кўриш

бу йил ҳам давом этмоқда. Йқинда ходимларимиз томонидан туман ҳудудида истиқомат қилувчи Холматовнинг ўйида таъқиёнланган модда сақлангаётганлиги аниқланди. Текширув пайтида бу шахснинг хонадонидан тўрт килограмм наша чиқди. Бундан ташқари илгари қамоқда ўтириб чиққан Пётр Ненковнинг ўйдан ҳам анчагина наша топилди. Улар устидан жиноятниш қўзгатилиб, қилимешларига яраша жазо олди.

Гиёхвандлик энг тубан хасталикдир. Уни даволагандан кўра, олдини олган маъқул. Шунинг учун ҳам ходимларимиз аҳоли ўтрасида тушунтириши ишларни олиб бормоқдалар. Осиёйштилилар турли ташкилотлар, корхоналар ва ҳўжаликларда бўлишиб, фуқароларга гиёхвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида сўзлаб бермоқдалар. Гиёхвандлик инсон ҳаётини аста-секин емириб, ҳалоатга олиб келишини, жиноятниш содир қилишгэ етаклашини мисоллар орқали кўрсатиб, туман рўзномасида чиқишлар қилмоқдамиш. Афсуски, уларнинг таъсири кам бўлмоқда. Ҳамон жиноятларнинг анча қисми «банги»лар томонидан содир этилмоқда.

Нега шундай? Боя мен унинг баъзи сабаблари бордегандим. Энди шунга тўхталмоқчиман. Гиёхвандликнинг турган битгани зарарли ҳамда уидан ташқари жиноят эканлиги ҳақида деярли ҳар куни гапиравмиз, ойна жаҳон орқали хор бўлган кимсаларни кўр-

сатялмиз, рўзномаларда қонунбузарларнинг сурати ва исм-шарифи билан танишитириб боряпмиз. Лекин айрим фуқаролар ўз билганидан қилишмаяпти. Баъзи бир кимсалар томорқасининг одамлар назари тушмайдиган ерларинга, овлоқ жойларга ҳамон кўкнори уруги сепишишти. Қўлга тушгач эса, ўзини гўёки бу ўсимликнинг зарари ва уни экиш, парваришиш таъқиёнланганлиги ҳақида биринчи бор эшитаётгандек қилиб кўрсатади. Баъзи бир кимсаларнинг нима иши билан шуғуланаётганлигини қўни-қўшилари, маҳалла-қўйдаги фуқаролар сеизишади, билишади. Афсуски, бу ҳақда лом-лим дейишмайди. Билганинни ҳам милициядан яширадилар. Вақти келганда эса «милиция ҳеч қаерга қарамағапти» деб гап тарқатишади. Шу ҳолатда қандай қилиб кенг тарқалган гиёхвандликка қарши курашиб бўлади?

Тўғри, аҳоли тинчлиги учун жавоб берувчи, ички ишлар ходимлари жиноят қилганларни аниқлаб, эртами-кечми уларнинг қўлига кишин солади. Кўпчилик бу ишда бир тан-бир жон бўлиб милицияга ёрдам берса, шубҳали ҳаракат қилаётган шахслар ҳақида ўз вақтида ички ишлар ходимларига хабар қилса, ҳар хил жиноятнинг кескин камайишига катта хисса қўшган бўларди. Бекорга «кўпдан кўён қочиб қутулмас» демайдилар-ку.

А. САТТОРОВ,
Бахмал тумани ИИБ бошлиғи милиция капитани Абдуззоқ Алиев; Чирчиқ шаҳар ИИБ патрул-пост хизмати рота командири милиция майори Федор Бенов;

9 МАЙ – ФАЛАБА КУНИ



ҚИРҚ БЕШИНЧИ ЙИЛ ЁМГИРИ...

Ёмғир шитирлайды. Майсалар унар Заминнинг кул босган далаларида. Ёмғир шитирлайды. Малҳам қўйилар, Ватанинг тўрт йиллик яраларига. Ёмғир шитирлайды. Мисли хушхабар, Бордиқа сочилар маржон доналар. Севинч ёмғирида ивниб жилмаяр, Фарзанди жанготдан қайтган оналар. Ёмғир шитирлайды. Отасиз қолган

Улуғ Ватан уруши совет халқи учун оғир кечди. Шонли галабага эришиш жуда қимматга тушди. Не-не ўғлонлар бевақт мангаликка бош қўйдилар. Улар орасида ўзбек милицияси вакиллари ҳам бор.

Иигитларнинг кўплари уруш бошланган дастлабки кунданоқ қўнгилли равишда фронтига жўнаб кетдилар. Тошкент милиция мактаби курсантларнинг қарий ярми, командир-ўқитувчилар таркибининг ўттиз фоизи. Самарқанд милиция идоралари ходимларидан 148 ички биринчи кунлардан бошлабоқ ўзбек миллӣ дивизияси хамда афсонавий генерал Панфилов дивизияси сафида жангга кирдилар. Умуман олганда ички ишлар ходимларининг 600 дан ошигинарниң ишларни бошладилар. Ва ўзларининг қаҳрамонликларини намойиш этдилар. Урушгача Қува тумани ИИБ паспорт столининг бошларига ўттиз бўлиб ишлаган Мўйдин Ҳасанов жангларда кўрсатган жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга эга бўлди. Уша даврда бундай шарафли номга урушдан кейин жумҳурят ИИВнинг тергов бошқармаси бошларига даражасигача кўтарилиган, истеъфодаги ички хизмат полковниги А. Голубенко. Самарқанд вилояти ИИБ бошлигининг собиқ ўринбосари, истеъфодаги ички хизмат полковниги И. Кирпиченколар ҳам еазовор бўлишиди.

Уруш йилларида ички ишлар идоралари ходимларининг мамлакат ичкарисидаги вазифалари ҳам ниҳоятда қўпайди. Фақат юксак жамоат тартибини таъминлаш, жинончиликка қарши кескин кураш олиб борибина қолмай, фронти ортини душманнинг қўпорувчилар ҳаракатларидан қўриқлаш ҳам лозим эди. Милиция ходимларидан ўша

даврда юксак хушёрлик таълаб қилинарди.

Милиция ДХҚ билан биргаликда ҳарбий ва меҳнат фронтидан қочишга, ҳар хил мишишлар ва ваҳима тарқатувчиларга қарши кескин кураш олиб борди.

ИИХК ва милиция ходимларининг бутун совет халқи билан биргаликда ўзларининг шахсий жамгармаларидан Ватан мудофааси фондига пуллар, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа камёб нарсаларни топширдилар.

Олий Бош Қўймондондан олинган ҳукумат телеграммаларидан бирида: «Совет

Мурғак гўдакларнинг кўз ёшларидай. Ёмғир шитирлайди. Сўнгиз армонлар — Тул қолган аёллар бардошларидай. Ёмғир шитирлайди. Яшинар дала, қир, Завқ инар борлиқнинг томирларига. Осон бўлган эмас етмоқлик, ахир, Қирқ бешинчи йилнинг ёмғирларига. Ёмғир шитирлайди. Кетамиз яйраб, Биз — шу ёмғирдан сўнг унган майсалар. Кошкайди, Дунёнинг бор майсалари Бахти ёмғирларга ета олсалар.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
милиция лейтенант.

лини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашдаги камчиликлардан фойдаланиб, бойлик ортиришга интилганларга қарши кескин кураш олиб бориш эди. Ўзбек милициясининг ОБХСС аппаратлари озиқ-овқат ва саноат карточкаларни сохташтириш, ўғирлашлар ва уларни тарқатишдаги сунистемолларга қарши курашда иш олиб бордилар.

Мудҳиш жинончларни асосан дезертирлар ҳамда армияда хизмат қилишдан қочиб юрганлар содир қиласа ва уларда кўпинча қуорлаб оларди. Бундай шахсларга қарши Ўзбекистон ССҶ ич-

эса фронтига жўнаб кетди. М. Кенжабоев Ленинградни фашист босқинчиларидан ҳимоя қилишдаги беаёб жангларда мардлик ва қаҳрамонлик на муналарини кўрсатди. Фалабани эса ўз ютида нишонлади. Чунки ярадор бўлиб узоқ вақт госпиталда даволанган бу жангчи ҳарбий хизматга яроқсиз, деб топлиб ўйига жўнаб юборилганди. Бундай оғир жароҳатдан кейин ҳам М. Кенжабоев тинчнинг ҳаёт кечиришини ўзига эп кўрмади. У ички ишлар ҳалқ комиссарлиги Хоразм вилояти бўлимида ўз фаолиятини давом эттириди. Уруш тугаб, юртимизда тинчлик ўрнатилгандан кейин эса маҳсус милиция мактабида ўқиди.

Оддий милиционерлардан то

ган пайтда танкчилар билим ютида ўрганганлари Қўчқор акани ҳар бир темирнинг тилига тушунадиган да-

милиция подполковниги дара жасига кўтарилиган М. Кенжабоев жуда кўплаб жинончиларни зарарсизлантириди. Жамоат тартибини сақлашга, ҳалқ осоишишалигини таъмийлашга катта ҳисса кўшиди.

Ҳозир Мейрмон ака кексалик гаштни сурмоқда. Бирок бошидан кечирган қийинчиликлар, даҳшатли уруш суронлари, ҳалқ бўлган қуролдош дўстлари ҳеч қачон ёдидан чиқмайди. Шунинг учун бўлса керак, у ўзи жанг қилган Ленинград шаҳридаги бирорларни қабристонини зиёрат килиб туради.

Мирзаназар КАРИМОВ,
ЎзССЖ ИИВ музейининг
бошлиғи, милиция подполковниги.

ражага етказган бўлса ажаб эмас.

СУРАТДА: Қўчқор ака
МУҲАМЕДОВ.



ЖАНГОҲЛАРДА ТОБЛАНИШГАН

Социалистик Жумҳурятлари Иттилоқининг мудофааси фондига ўттиз беш минг сўм нақул пул ва саксон минг сўм давлат замёллари облигацияларини тўплаган Қашқадарё вилоятининг милиция ходимларига менинг жанговар саломим ва Қизил Армиянинг миннатдорчилигини етказинг», — дейилган эди.

Бу миннатдорчиллик хати Ўзбекистон милициясининг тархини жанговар шуҳрати музейи қўргазмаларида ўзининг мунособ ўрнини эгаллаб туриди.

Уруш пайтида фуқароларнинг катта-катта оқимларининг фронти атрофи туманларидан шарқга томон силжини бошланди. Тошкентда ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига ўн минглаб эвакуация қилинган кишилар келди. Уларнинг орасида кўплаб жинонч унсурлар ҳам бор эди. Бундан ташқари милициянинг энг муҳим вазифаларидан яна бирин аҳо-

ки ишлар ҳалқ комиссарлиги қошидаги босқинчиларга қарши кураш бўлимнинг ходимлари аёвсиз жанг олиб бордилар.

Совет давлати Улуғ Ватан уруши йилларида болаларни қутқаришига ҳар томонлама гамхўрлик қилиб келди. Жумҳурят милиция идоралари ҳам болаларни эвакуация қилиш ва уларни жойлаштиришда бевосита иштирок этдилар.

Улуғ Ватан урушида минглаб милиция ходимлари ҳалқ бўлдилар. Улар орасида омон-эсон қайтиб келганларни ва яна ички ишлар идораларида ишни давом эттириларни ҳам кўп. ССҶИ ички ишлар вазири Тошкент олий мактабининг собиқ кадедра мудири, ҳуқуқунослик фанлари номзоди Г. Убайдуллаев уруш йиллари 72-гвардиячига дивизиянинг пулемётчилар взводига командирлик қилди. У Белгород, Харьков учун жанглар-

бу йиининг исми Владимир бўлиб қолганлигини боиси бор. Унинг отаси босмачиларни тор-мор қилишда фаол қатнашиб*, ўз фарзандига proletar инқолобининг дохийси В. И. Ленин исмини қўйган эди. В. Мўминов ҳарбий хизматдан қайтиб келганда, унинг кўксини ўн битта жанговар орден ва медаллар бе заб туради. ўн иккичиси — «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медалини милиция идораларида ишлаб юрган вақтида олди.

Собиқ жангчи Дина Люжаровская ички ишлар идораларида хизматни давом эттириди. Улуғ Ватан уруши йилларида турли бомбардимончи, штурмчи самолётларни узоқ масофаларга учишга тайёрлашда қатнашган Ниша Красикова эса Ўзбекистон ССҶ ички ишлар вазири ишларни ҳалқ комиссарлиги номзоди, узоқ йиллар инспектор бўлиб ишлади. Жанггоҳларда фаол қатна-

шиб, кўпгина орден ва медаллар соҳиби бўлган ички хизмат полковниги Нина Торбина яқинда жумҳурят ички ишлар вазирилиги котибияти бошлиғи лавозимидан истеъфога чиқди.

Учала даражадаги Шуҳрат орденини нишондири, 1945 йилнинг 24 июнида Москва да бўлиб ўтган Фалаба парадида қатнашган ички хизмат полковниги F. Валиев яқиняқинларгача жумҳурят ИИВда раҳбар лавозимларда ишлади.

Яна бир учала даражадаги Шуҳрат орденини нишондири, 1945 йилнинг 24 июнида Москва да бўлиб ўтган Фалаба парадида қатнашган ички хизмат полковниги F. Валиев яқиняқинларгача жумҳурят ИИВда раҳбар лавозимларда ишлади.

Яна бир учала даражадаги Шуҳрат орденини нишондири, 1945 йилнинг 24 июнида Москва да бўлиб ўтган Фалаба парадида қатнашган ички хизмат полковниги F. Валиев яқиняқинларгача жумҳурят ИИВда раҳбар лавозимларда ишлади.

Яна бир учала даражадаги Шуҳрат орденини нишондири, 1945 йилнинг 24 июнида Москва да бўлиб ўтган Фалаба парадида қатнашган ички хизмат полковниги F. Валиев яқиняқинларгача жумҳурят ИИВда раҳбар лавозимларда ишлади.

Учала даражадаги Шуҳрат орденини нишондири, 1945 йилнинг 24 июнида Москва да бўлиб ўтган Фалаба парадида қатнашган ички хизмат полковниги F. Валиев яқиняқинларгача жумҳурят ИИВда раҳбар лавозимларда ишлади.

Р. ХОШИМОВ,
ССЖИ ИИВ ёниндан
сақлаш олий мухандис-
лик-техник мактаби
Тошкент куллиятининг
катта илмий ходими, ҳу-
куқунослик фанлари
номзоди, ички хизмат
полковниги.

Ульянов туманиндағы «ССЖИ 60 йиллигі» давлат хұжалиғи марказында қатор түшгән иккى қаватыл коттежелар жойлашынан. Уларнинг бирида участка вакили ва жамоатчилик тартибини сақлаш пункти бор. Хоналарни күздән кечирамиз. Участка вакили, ўртоқлик суди, балоғатта етмәннелер иши бүйінша шуғулланувчы инспекция учун алохыда-алохыда хоналар ажратылған. Уларнинг барчасы дид билан безатылған, махсус құргазмалы қуроллар осилтанды. Радио, телевизор, рўзнома ва ойномалар таҳламлари. Участка харитаси. Қўйингки, бу ерда участка вакилига зарур бўладиган ҳамма нарса мухаддә.

— Илгари мана шу жой ташландиқ ҳолда ётарди,— дейди ҳамроҳим, Қашқадарё вилоятин ИИБ шахсий таркиби тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимни катта инспектори, милиция катта лейтенанти Шуҳрат Шодмонов.— Қўйли ака бу ерга ишга келгач, ҳамма томонни ўзи таъмирлаб чиқди. Хаттони, қўлидан келар экан, мана бу девордаги расмларни ҳам эрин-масдан чизди. Меҳнаткашларни, дилкашлиги учун бу кишини ҳамма яхши кўради, ҳурмат қилиди. Шунинг учун ҳамда тадбиркорлиги, ўз касбини яхши эгаллаб олгани сабабли Қўйли акага биринтирилган худудда камдан-кам жиноят содир бўлади.

Мен ҳам хизмат сафарлари давомида кўплаб участка вакиллари иш хонасида биланман. Лекин Ульянов туманин ИИБ катта участка вакили, милиция майори Қўйли Раҳматуллаев кабинетидек жойни учратмаганман. Маълумки, саранжом-сарышталини ёқтирадиган ҳар бир инсоннинг ишида унум ҳам бўлади.

Қўйли ака шу тумандаги Қўлари қишлоғиди туғилиб, вояга етди. 8 яшарлик пайтида иккى синглиси билан онаси қўлида қолди. Меҳнат билан суги қотди. Армияда йигитлик бурчани ўтаб қайтгача, ички ишлар идораларидан хизмат қила бошлади. Ўшанга ҳам 20 йилча бўлаб қолибди. Қарийб ўн беш йилдан бери участка вакили ла-возимида ишламоқда. Шу давр ичиди у-не кунларни кўрмади дейсиз. Неча тунларни бедор ўтказди, қанчалаб таҳликали дақиқаларда ўзининг неларга қодирлигини кўрсатди.

— Қишлоқда ишлайдиган участка вакили қандай воқеаларга дуч келмайды дейсиз. Улар қишлоқда яшаётган ҳар бир фуқаронинг характеристерини билиши, шунга қараб мумомлана қилиши лозим,— дейди Қ. Раҳматуллаев.— Бунинг учун эса одамлар орасида бўлишишимиз, тўй-маъракасига қатнашишимиз шарт. Мен ўзимга биринтирилган худудга қаравши жойдаги ҳар бир тадбирдан қолмайман. У ерда ҳам кузатувчи бўлиб турсанг ярашмайди, унда аҳолидан узоқлашиб кетасан. Шу сабабли қаерга бормайин. қўлимдан келганча одамларга у-бу ишда ёрдам бераман. Элнинг ичиди юргандан кейин ким нима билан шуғулланыётганини дарров сезасан. Бизнинг ишда

— Участка вакили бирон бир яхши натижадан умиди бўлса, иш кабинетини одамлар орасига кўчирди,— дейди Наманган вилоятин Наманган туманин ИИБ участка вакили милиция капитани Миродилла Ҳожиаҳмедов.

Мана олти йилдан бери милициянинг халқ билан энг яхин одами ҳисобланган участка вакили ла-возимида хизмат қилиб келётган М. Ҳожиаҳмедов ўзининг бу фикри асосида иш кўриб, катта муваффақиятларга эришмоқда.

Суратда: милиция капитани Миродилла Ҳожиаҳмедов участкасидаги обрў-эътиборни фуқаролар билан осойишталик

ОҚСОҚОЛ

Энг мұхими ҳам шу. Бирор қўнгилсизлик қобилятини, ўзишининг ҳадисини пухта ўзлаштирганини ҳисобта олган Ульянов туманин ИИБ раҳбарлари уни бир неча бор оператив ҳолат мураккаб ва жиддий бўлган жойларга ишга жўнтарди. У 1985 йилгача энг оғир ҳисобланган «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» давлат хўжалиги ҳудудида тер тўкиди. Ишлар жойига тушгач, аҳвол оғирлашиб қолган участкага сафарбар этилди. Милиция майори бу ерда ҳам фуқароларнинг кўмаги билан намунали жамоат тартиби ўрналишига ёришиди.

Бу даврга келиб Човқай қишлоқ Шўросига қаравши бўлган жойларда аҳвол оғирлашиб қолганди. Олдинги йилларга нисбатан давлат ва жамоат ҳамда фуқаролар мулкни ўғирлашиб қаби жиноятлар сони кўпайиб, ҳар хил ҳуқуқбузарликларнинг очилиши камайиб борарди. Бу эса ўз навбатида кўнгилсизликларнинг томир отишига туртки бўларди. Нима қилиш керак? Туман ИИБ раҳбарларининг қарорига биноан бу ерга 1987 йили Қ. Раҳматуллаев участка вакили қилиб юборилди.

Биринтирилган ер анчагина катта бўлниб, ўн сақкиз аҳоли пунктидан 12 мингдан зиёд киши яшарди. Бундан ташқари Қарши паррандачалик фабрикасининг филиали, Шакаржў пахта қабул қилиш ва сақлаш пункти, туман матлубот жамиятнинг бетон ишлаб чиқардиган цехи, туман сув шахобчаларни тармоғи идораси, ҳунар-техника билим юрти шу худудда жойлашганди. Қ. Раҳматуллаев тез орада бу ердаги етакчилар ва фоаллар билан мустаҳкам алоқа боғлади. Жойларда бўлиб, фуқаролар билан сұхbatлашди, керакли маслаҳатлар сўради. Ўз атрофига жонкуяр ёшларни тўплаб, уларнинг ёрдамига таянди, ҳар бир шубҳали шахс кузатиди. Бу қиска вақт ичиди ўз самарасини берди. Жиноятчилик кескин камайди. Масалан, 1986 йилда бу ерда 18 жиноят содир этилган бўлса, 1987 йили бу кўрсаткич иккитани ташкил этиди. Бошқача айтганда бир йил ичиди ҳуқуқбузарлик ўн олтигага камайди. Давлат, жамоат ва фуқароларнинг мулкни ўғирлашиб умуман йўл қўйилмади.

Келинг, барчани қизиқтирилган бир савоннинг жавобини олайлик. Нима сабабдан Қўйли ака хизмат қиладиган участкада тартиббузарлик тезда камайиб, жиноятчилар жимиб қолишади?

— Бу учча мураккаб эмас. Маълумки, кўптина қишлоқларда ёшларнинг деярли барчаси ишсиз юришади. Ҳатто баъзи-бир бола-чақали одам-

лар ҳам иш тополмай бекорчиликда кун ўтказдилар. Юмуш билан банд бўлмаган бундай шахслар билиб-бilmай жиноят қилиб қўйишиди. Одатим бўйича биринчи навбатда ана шундайларнинг фикрига қулоқ тутаман, иложи борича уларни ишга жойлаштиришга ҳаракат қиласман,— дейди Қ. Раҳматуллаев.

Милиция майорининг бу иш услуги мана 15 йилдирки ўз самарасини бериб келмоқда. Тартиб-интизомни ҳар доим бирдек сақлаб келаётгани, катта-кичик билан тезда тил топиб кетиши, инсонларга ғамхўрлиги учун у кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Шунинг учун ўтган йили Қўйли ака саккизинчи бор қишлоқ Кенгаши ноиблигига сайданди. Милиционер-ноибнинг елиб-югуриши натижаси ўтган йили «ССЖИ 60 йиллиги» давлат хўжалигининг марказий қўргонида бир қатор ободонлаштириш ишлари бажарилди, аҳолининг тоза ичмилк сув, газ, савдо, тиббёт хизматига бўлган ёхтиёжини қондиришда анчагина хайрли юмушлар амалга оширилди.

Эл осойиштагини сақлашдек муқаддас, шу билан бирга таҳликали хизмати учун милиция майори Қўйли Раҳматуллаев муносиб тақдирланган. ССЖИ ва жумхуряни ички ишлар вазирилиги, вилоят ИИБ ва партия ташкилотлари томонидан ўнга берилган Фаҳрий ёрликларни ёсадлик совгалири анчагина. Қўксига «Милиция аълочиси», «ССЖИ ИИВдаги аъло хизмати учун» нишонлари тақиб қўйилган. Яқинда унга «Хизмат кўрсатган участка вакили» деган унвон ва кўкракка тақиладиган нишонни топширилди. Биз борган куни Қўйли ака вилоят марказидан «УАЗ-469» белгили машинани олиб келган экан. Милиция сафиди кўп йил бенуқсон ишлагани учун белгиланган вақтини ўтаб бўлган бу машина ички ишлар бошқармаси раҳбарияти кўрсатмасига биноан анча арzon наරда унга сотилибди. Бу ҳам ҳурматнинг бир нишонаси.

Қўйли ака аълочи милиционер, ишчан иоби бўлишдан ташқари каттакон онларни бошлыги ҳам. У турмуш ўргоги Момонор опа билан тўққиз фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда.

У билан хайрлашадигани мизда бир киши келиб тўйга айтгаб кетди. «Ўзингиз баковуллик қилмасангиз бўлмайди, албатта боринг!»,— дейи қайта-қайта тақорлади. Тўйбоши бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бундай фаҳрли ўринга эл назарига тушган, олқишига эга бўлган оқсоқолларни сазовор бўлишади. Участка катта вакили, милиция майори Қўйли Раҳматуллаев ҳам одамлар ҳурматини қозона олган, фаҳрли инсонлардан бири.

Мўмин МИРЗО.



ЖИНОЯТНИНГ тез ва соз очилишида жиноят қиди-рув ходими билан эксперт-криминалистнинг ҳамкорлиги катта роль ўйнайди.

СУРАТДА: Қўлон шаҳар ИИБ жиб катта опервакили, милиция катта лейтенанти Нуъмонжон Етмишбоев ва эксперт-криминалист, милиция капитани Раҳмонжон Шокиров (ўнгда).

Гуломжон УБАИДУЛЛАЕВ олган сурат.

БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚўНГЛИМИЗ ТАСКИН ТОПДИ

Андижон шаҳридаги ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида ташмачилик ҳаракати авж олиб кетганлигини рўзномамизнинг ихломандлари яхши билишади. Ахир, бу ҳақда бир эмас, иккى марта чиқиши қилдик. Дастлаб 26 январь куни «Қўлмиш-қидирмиз» ёки андижонлик ташмачилилар ҳақида», кейинроқ мутасадди ташкилотлардан жавоб бўлавермагач. 11 апрель куни «Рагбатлантириш» ёки ўргантан кўнгил ўртанса қўймас» сарлавҳалари остида мақолалар эълон қилиб, аччиқ бўлсада, холос фикрларимизни билдирилди. Шундан кейингина жумхуряни ёнгилсаноат вазирлигидан ҳамда Андижон вилояти ижроия қўмитасидан жавоб хатлари олишга муваффақ бўлдик.

Лекин, минг афсуски, қувончимиз ўзонқа чўзилмади. Нега деганда, ҳар иккى нуғузли ташкилотдан келган жавоб хатлари бизни умуман қониқтирилди. Бу хатларда ташмачилик йўлига тўсиқ қўйиш борасида бирорта амалий ҳаракат қилингани сезилмади. Фақат қуруқ гаплардан нарига ўтилмаган эди. Биз бу ҳақда ҳам рўзномамизнинг 18 апрель куниги сонида муносабатимизни билдирганмиз.

Яқинда эса танқид қилинганинг ўзидан — Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасидан жавоб хати олдик. Бош директор ўринбосари ўртоқ К. А. Тожибов имзо чеккан хатдан, ниҳоят, бу ишга кўнгилдан чиқарип ёндашилганни сезидик. «...Бирлашманинг ишга туширилганни ўн йил бўлишига қарашади».

Яна шу нарса хатда қайд этилганни, бирлашмани эгриқуллари кимсалардан қўриклишни кучайтириш чоралари кўрилди. Яна бир марта тақорлаб айтамизки, муаммони барта-раф этиш борасида жумхуряни ёнгилсаноат вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ижроқуми хатларидан кўра бирлашма маъмуритининг тадбирлари аҳамиятироқидир. Биз шундай хуносага келдикки, агар улар ҳозирги ишлар билан чекланиб қолмай, кадрлар билан ишлашни яна да кучайтирасалар, ҳар битта ўртилик қилиб қўйлашади. Ҳолаверса қонунда айтилган тартибда чора кўриб борила-верса, ташмачилик ҳаракати пайи қирқилишига ишониш мумкин.

Р. ҚОСИМОВ,
«Постда» мухабир.



Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

ВИЖДОН СУД ҚИЛАДИ

Ярми ҳажвий, ярми жиддий бу интермедиада суд раиси ролини Виждон, қораловчи ролини Адолат, оқловчи ролини Нафс ижро этади.

ВИЖДОН: — Ассалому алайкум, ҳурматли суд иштирокчилари!

Бугунги мажлисимида Ленинград туманинаги Буйрак қишлоғида, аниқроғи 39-үйда истиқомат қилувчи Абдулатто Абдуманоновнинг қонуналаримизга хилоф ҳатти-ҳаракатларини муҳокама этади.

Айбланувчи, биринчи саволга жавоб беринг. Қарда ва ким бўлиб ишлайсиз?

АИБЛАНУВЧИ: — Ункўриқдаги ароқ дўконида хўжайин, йўғ-е, мудир бўлиб.

ВИЖДОН: — Қораловчи, марҳамат, айблов фикрини ўқиб эшиттирсангиз.

АДОЛАТ: — Ҳурматли суд ҳайъати! Рӯпарамизда ўтирган бу шахснинг шахсий шиорини биласизми? «Бўлса агар текингина, биз ютамиз секингина». Қалай, зўрми?

НАФС: — Илтимос, одоб доирасидан чиқмасангиз...

ВИЖДОН: — Оқловчининг эътирози инобатга олинади.

АДОЛАТ: — Қисқаси бу шахс шу йил 5 февраль куни уйидан фуқаро Иигитали Мансуровга 100 шиша, фу-

каро Ҳайитбой Носировга 80 шиша «Кристалл» ароғини яширинча сотаётган пайтада БХСС ходимлари томонидан фош этилган. Ҳар шишиаси 13 сўмдан пулланган бу зорманданинг давлат нархи 9 сўм 60 тийин.

ВИЖДОН: — Айбланувчи,

«Кристалл» деган қуриб кеткурни таниш-билиш қилиб топишнинг ўзи бўлмайди. Бирини ака, бирини ука, дейишинг, керак бўлса, етти пуштингни гаровга қўйиб, ялинниб-ёлворишинг керак. Бусиз дўкончининг косаси оқармайди.

СУД ЗАЛИДАН ЕАРОИИБ РЕПОРТАЖ

демак, сиз бу икки фуқаронинг 628 сўм ҳақига хиёнат қилгансиз, шундайми?

АИБЛАНУВЧИ: — Хиёнат эмас, адашганиман.

ВИЖДОН: — Дўкон омборхонасида сақлауни кепрек бўлган 48 яшик, яъни 960 шиша ароқни ҳам «адабишиб» уйингизга келтирганимиз? Еки дўкон ҳам худди уйингиздек ўзингизни бўлиб қолганими?

АИБЛАНУВЧИ: — ...

НАФС: — Уртоқ судья, мумкин бўлса шу саволга мен жавоб берсам?

ВИЖДОН: — Рухсат.

НАФС: — Бу ўринда аввало Абдуллатто Абдуманоновнинг эпчил ва ишбормонлигини, қолаверса, ўта одамохун, ҳожатбарорлигини эътиборга олишингизни сўрадим. Биринчидан,

Иккинчидан, отлиқи ҳам топилмайдиган молни омборда эмас, уйда сақлаган ҳам бехитрок, ҳам фойдали.

Учинчидан, ўша икки ҳаридорни бу шўринг қургур кўчадан уйига тортиб олиб кирмаган-ку! «9 сўм 60 тийнлик ароғим бор, 13 сўмдан олсанг-олдинг, йўқса митлиқ топиб, отиб ташлайман» демаган-ку!

ВИЖДОН: — Бу дийдиеларни асоссиз деб ҳисоблайман. Чунки, айбланувчи бир пайтинг ўзида 628 сўм фойда кўраяпти. Эҳтимол гўй ёки бирор йигин қилиши мақсадида сотиб олган ҳаридорлар айни пайтада шунча зарар қилаяпти. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, бу пуллар ўша бечоралар бола-чақасининг ризқи! Шу ҳам инсофандани?!?

АИБЛАНУВЧИ: — Битта саволим бор: инсоф дегани нима ўзи, ейдиган нарсами?

АДОЛАТ: — Ха, сиз учун ейдиган нарса. Сиз аллақачон ютиб, ҳазм қилиб юборгансиз.

НАФС: — Қораловчи ўта қўпоплик қилди, кечирим сўрашини талаб қиласман!

ВИЖДОН: — Талабингиз қондирилмайди. Оқловчи вазифасини сунистеъмол қилганингиз учун сизни сўзлаш ҳукукидан маҳрум этаман.

АДОЛАТ: — Мумкин бўлса, охирги марта айбланувчига савол берсам...

ВИЖДОН: — Марҳамат.

АДОЛАТ: — Айбланувчи Абдуманонов, айтинг-чи, агар тасодиф юз бериб, бир юмалаб бир йилга ёшариб қолганингизда қандай иш тутардингиз? Яна шу ишларга қўл урамидингиз ёки...

АИБЛАНУВЧИ: — Асло! Fўр эканман, додга қолдим. Агар ҳаётим бир йил орқага сурилганида оғзидағи луқмасини ҳам олдирадиган найновлар билан сира алоқа қилмаган бўлардим.

ВИЖДОН: — Суд ҳукми: судланувчи Абдуллатто Абдуманонов сариқ шайтон, яъни пул васасасига учуб, инсон деган мўътабар номга дод тушириди. Унинг мангдайга «текинтомоқлиги учун судланган» деган тамға бир умрга ўтмайдиган қилиб болиссин!

Суд залидан репортажни Раҳмон АЛИ олиб борди.

Шаҳримиз ИИБлари тиббий ҳушёроналарида ҳар куни ўнлаб фуқаролар «меҳмон» бўлишади. Кўпчилигимиз бунга кўнниб ҳам қолганимиз. Бу ерда уларнинг шахси аниқланиб, жамоат иззаси бериш учун иш жойларига хат юборилади.

Агар ўша ишхоналарнинг раҳбарлари маст ҳолатда ҳушёронага тушишса-чи! Уларга ким чора кўради!

Фақатгина шу йил март ойида Сирғали тумани ички ишлар бўлимига қарашви тиббий ҳушёронада оз эмас, кўп эмас — ўн нафар ана шундай масъул ҳодимлар бир кечадан тунашди. Тўғрисини айтганда шармандалини иҳтиёр этиб, ор-номусини оқ ароққа алишган бундай кимсаларга улардан юқори турагидаги лавозимдаги кишилар чора кўришадими-йўқми — бигла қоронгу. Шу боис уларни рўзнома орқали таништиришга жазм этдик.

ИХТИЁРИЙ ШАРМАНДАЛИК

Юқорида айтганимиздек, фақат март ойида «Ўзбектрансгаз» бирлашмаси бошлигининг ўринбосари Валерий Николаевич Прозоров, «Созидатель» ширкати прораби Владимир Алексеевич Шахов, Сирғали авиаотряди мұхандиси Виктор Михайлович Осипов, «Оқ қуш» ширкати омбор мудири Сергей Валентинович Пугин, А. А. Сариков номли Ўрта Осиё ирригация ва мелиорация лойиҳа қидирив илмий-техшириши институти етакчи мұхандиси Леонид Юрьевич Синельский, «Хизмат» ширкати бошлиғи ўринбосари Шомил Ҳасанович Санаев, хўжалик ҳисобидаги жисмоний тарбия ва согломлаштириш бирлашмаси йўриқчиси Николай Иванович Гневышев, «Айгун» ширкати раксининг ўринбосари Алексей Валерьевич Фомин, кўрлар жамиятига қарашви қурилиш бўлимининг башлиги Сергей Леонидович Горбик ва Тошкент саноати қурилиши трестига қарашви 50-қурилиш-монтаж бошқармаси прораби Виктор Тарасович Романовлар жамоат жойларida иҷиб, маст ҳолда ўрган пайтарида ҳушёронага олиб келинган. Раҳбар деган номга дод тушириб, обрў-эътиборни ойни сархушлик йўлида қурбон қўлган бу кишиларга уят, дейишдан бошқа сўз тополмадик.

Қолган гапни улар етакчилик қилаётган мәҳнат жамоати айтар, деган умиддамиз.

Ю. АЛИМЖНОНОВ,

Сирғали тумани ИИБ тиббий ҳушёронаси бошлиғи, милиция майори.



Фарғона шаҳриллик Маҳмуджон ака 36 йил ички ишлар идораларида ҳалол меҳнат қилиди. Оддий милиционерликдан милиция капитаннинг бўлган йўлни босиб ўтиди. Унинг кўп йиллик хизмати муносаби тақдирланган.

Маҳмуджон Аҳмедов эл осойишталянгини таъминлашни йўлидаги бурчни ўташ билан бирга кўпчилик хизматига камарбаста фар-

зандларни тарбиялади. Буни қарангки, унинг ўғиллари ҳам ота касбии таълашди.

СУРАТДА: Маҳмуджон ака ўғиллари милиция капитани Муҳторжон, милиция капитани Муроджон, милиция лейтенанти Муҳиммаджонлар билан.

Гуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.

Шахсий таркиби тураржий бўйлан таъминлашни, уларга маданий, маниший, тиббий хизмат кўрсатишини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Чунончи, 1988-90 йиллар мобайнида Наманганда 32, Фарғонада 32, 16, Андижонда 40, Жиззахда 35, Урганчда 20, Тошкентда 32, 24, 20, 16 хонадонни тураржойлар қурилиб топширилди. 924 ер участкаси, 300 дала ҳовлилари утун майдон ажратилиган. Жиззах, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида қилинган ишлар мақтаси арзигулини.

Сурхондарё вилоятидаги Шўрчи, Шеробод туманинни ийноларини қуриши ниҳоясига етмоқда. Тошкент вилоятининг Чиноз тумани ИИБ, Бўстонлиқда туман

ИЧКИ МУАММОЛАР

ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимининг марказлаштирилган соқчилик пульти бинолари эса фойдаланишга топширилди. Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Ургут, Шиптиҳон туманинда ИИБ, вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассаси бинолари қайта таъмирланди. Шунингдек Бухоро, Андижон, Хоразм вилоятларида, Қарақалпогистон Совет жумҳуриятида ҳам яхши ишларга кўл урилган.

Тошкент, Андижон ва Қарши шаҳарларида 1988-90 йилларда 440 ўрнини боловлар боғчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ходимларимиз ва уларнинг оила аъзолари маниший шароитини яхшилаш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманинда 300 ўрнини кашпофлар оромгоҳи қурилди.

Ходимларимизнинг 900 нафари санаторий-курортларда даволаниши.

Шуларга қарамай Самарқанд вилоятидаги 551, Тошкентда 524, Наманганда 123, Тошкент шаҳрида 538, ахлоқ тузатиши муассасалари бўйича 381 ходим уй-жойга мухтожлар рўйхатида туршишибди. Сурхондарё вилоятидаги 268 ходим шахсий уй қуриш

учун ер участкалари олишга навбатда турибди, 2 минг кичконтой мактаб ёшигача болалар муассасаларига мухтож.

ЎзССЖ ИИВ шахсий таркиби тарбиялаш, ижтимоний ҳуқуқий ҳимоялаш бошлиқармаси юқоридаги камчиликларни бартараф этиши ва амалий ёрдам бериш мақсадида 1991 йилда бир қатор тадбирларни режалаштириди. Муаммоларни ҳал этишида унинг ижобий таъсири бўлади, деб ўйлайман.

С. КОЗЛОВ, ЎзССЖ ИИВ тарбиялаш, ҳуқуқий ва ижтимоний ҳимоялаш бошлиқармасининг бўлим бошлиғи, милиция подполковники.